

- Вопросы экстремизма и международного терроризма ■
- Issues of Extremism and International Terrorism ■

Г. Каримова

Замонавий дунёда “Исломофобия” муаммоси (танқидий таҳлил)

Дунё сиёсатида авж олиб бораётган глобал муаммолар қаторида динлараро, миллатлараро низолар ва тўқнашувларни, информацион-кибер терроризм, ноқонуний қурол ва наркотиклар савдоси, одам савдоси каби турли хилдаги муаммо ва хавфларни кўришимиз мумкин.

Шу жумладан, халқаро терроризмнинг дунёда авж олиши, Фарб давлатларида «исломофобия» жараёнини кескин тус олишига сабаб бўлди.

Исломофобия муаммолари оммавий тус олиб келаётган бир пайтда, Ўзбекистон, терроризмга қарши кураш исломофобияга айланишига ва бу ҳолат очик ёки пинҳоний ҳолатларда ислом дунёси билан қарама-қаршиликка олиб келишига қатъиян қарши чиқмоқда.

Сўнгги йилларда турли мамлакатларда исломга нисбатан бўлаётган таъйиқлар, исломофобия тусини олган ҳолатларни кўпайиши Ўзбекистон

Исломофобия муаммолари оммавий тус олиб келаётган бир пайтда Ўзбекистон, терроризмга қарши кураш исломофобияга айланишига ва бу ҳолат очик ёки пинҳоний ҳолатларда ислом дунёси билан қарама-қаршиликка олиб келишига қатъиян қарши чиқмоқда.

Республикасини ҳам ташвишга солиши турган гап. Шу билан бирга бу ҳолат давлатнинг тинчлик ва барқарорлик йўлида эришган кўп йиллик ютуқ ва хатти-ҳаракатларни йўққа чиқариб, экстремизм ва терроризмни янада кучайтириб юбориши эҳтимоли мавжуд.

Фарбликларнинг кўпгина қисми “Ислом-тинчлик дини” эканлигига иккиланиш билан қарамоқдалар; улар масжид

Каримова Г., ЎзР ВМ ҳузуридаги Мутахассисларии хорижда тай рлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси бўлим бошлиғи.

ва ислом марказларида олиб бориладиган йиғилишларга катта шубҳа остида назар солмоқдалар, шу билан бирга, ислом динини экстремизм ва терроризм билан боғламоқдалар. Чунки ғарбликлар назарида, энди “коммунистик хавф” тушунчаси ўрнига “Ислом хавфи” тушунчаси илгари сурилмоқда. “Исломофобия” бу ўзи нима?

«Исломофобия» исломдан ва мусулмонлардан қўрқув ва уларга нафрат туйғуси билан қараш демакдир. Шу билан бирга ислом динини қолоқ, мусулмон маданиятини эса қотиб қолган, ҳурфикрлиликка мойил бўлмаган, патриархал, аёллар фаолиятини чеклайдиган ва бошқа маданиятларга таҳдид солувчи» каби ноўрин айбловларда намоён бўлмоқда. Холбуки, эндиликда ислом динининг бундай қусурлардан холи эканлигини бутун дунё жамоатчилиги тан олмоқди.

Малайзия халқаро ислом университети профессори Лоуей Сафи фикрича, ҳозирги кунларда жаҳон ОАВда «исломофобия»нинг қуйидаги кўринишлари мавжуд [1]:

1. Исломий дунёқараш ва урф одатларни бузиб кўрсатиш.

2. Ислом динини радикал диний уюшма ғоялари билан алоқаси борлигини “тасдиқлаш ” учун “ тадқиқодлар” олиб бориш.

3. Ислом динини Ғарб жамияти учун гўё нотинчлик манбаи сифатида кўрсатиш каби.

4. Мусулмон оламига нисбатан ноҳақлик ҳолатларини оқлашга уриниш.

Бунинг оқибатида жамиятда ислом динига эътиқод қилувчилардан чўчиш юзага келган.

Айрим тадқиқотчилар наздида, «исломофобия Ғарб мамлакатларида мусулмонлар сони кескин ошиб бораётгани ва ислом маданиятининг Ғарб цивилизациясига рақобатчи сифатида қаралаётгани сабабли ҳам сақланиб келмоқда». Чунки, социологларнинг таъкидлашича, ХХІ асрда ислом бошқа динларга қараганда, тезроқ тарқалиб тараққий этиш имкониятига эга. Бунга мисол, бугунги кунда дунё мусулмонларининг сони қарийб 1,8 млрдга етган. Бошқачароқ айтганда, мусулмонларнинг сони 2050 йилга бориб 2.76 миллиардга яъни дунё аҳолисини 29.7% ташкил этади [2].

Исломофобиянинг яна бир келиб чиқиш сабаби, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу мамлакатлар аҳолиси ўз давлатларида мусулмонлар улушини асл миқдори-

«Исломофобия» исломдан ва мусулмонлардан қўрқув ва уларга нафрат туйғуси билан қараш демакдир. Шу билан бирга ислом динини қолоқ, мусулмон маданиятини эса қотиб қолган, ҳурфикрлиликка мойил бўлмаган, патриархал, аёллар фаолиятини чеклайдиган ва бошқа маданиятларга таҳдид солувчи» каби ноўрин айбловларда намоён бўлмоқда.

Малайзия халқаро ислом университети профессори Лоуей Сафи фикрича, кўра, ҳозирги кунларда жаҳон ОАВда «исломофобия»нинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: 1. Ислоний дунёқараш ва урф одатларни бузиб кўрсатиш. 2. Ислон динини радикал диний уюшма ғоялари билан алоқаси борлигини “таслиқлаш ” учун “ тадқиқодлар” олиб бориш. 3. Ислон динини Ғарб жамияти учун гўё нотинчлик манбаи сифатида кўрсатиш каби. 4. Муслмон оламига нисбатан ноҳақлик ҳолатларини оқлашга уриниш. Бунинг оқибатида жамиятда ислом динига эътиқод қилувчилардан чўчиш юзага келган.

га қараганда анча кўп деб ҳисоблаши маълум бўлган. Мисол учун, Францияда аслида аҳолининг фақатгина 8% муслмонлар ташкил этишига қарамасдан, аҳоли уларнинг сонини 23%дан кам эмас, деб ҳисоблайди [3]. Айтиш жоизки, ҳозирги пайтда Европа Иттифоқидаги муслмонларнинг умумий сони 29 млн. кишини ташкил этади ва бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 58 млн.га етиши кутилмоқда.

Лекин 2017 йилда Европада, айниқса Франция, Голландия ва Германияда «исломофобия» тенденцияси қисман камайганлигини кузатиш мумкин. Бу муҳим сиёсий ўзгаришлар Ғарб мамлакатларидаги ислом ва

муслмон аҳолисига анча енгиллик беради.

Шу ҳам муҳумки, исломофобияга қарши олиб борилаётган сиёсий чоралар, бошқа давлатларда масалан, Канадада ҳам ўз ҳосилини бера бошлади. Шу йили аёлларнинг рўмолда юришларига қарши қонунлар ва мадрасалар қуришига бўлган чекловлар анча тинчланганлигини кузатишимиз мумкин. Европада энг катта масжидлардан бири 2017 йил июль ойида Кельне (Германия)да расмий ва оммавий равишда очилди. Аммо дунёнинг иккинчи ярмида бундай ижобий томонга ўзгаришлар кузатилмапти. Ислонга қаршилик ва террористик зўровонликлар, муслмонларга аёвсиз ҳужумлар давом этмоқда (Роҳиджа, Мянма).

Ҳозирда исломофобиянинг асосий нуқталари бўлиб АҚШ ва Европа бўлиб қолмоқда. АҚШ ҳудудий кенглиги жиҳатдан исломофобия “тренд”ининг асосий нуқтаси ҳисобланади. АҚШ Президенти Дональд Трампнинг “Мухожир террористлардан АҚШ халқини ҳимоя қилиш” [4] қарорида бир қанча давлат фуқороларига штатга кириш учун чекловлар қўйилди. 2017 йил 27 январдаги мигрантларга қарши қаттиқ чоралар кўрсатилган қарорда Эрон, Сурия, Ливия, Сомали, Яман ва Ироқ фуқороларига виза бериш тўхтатилиб қўйилди.

Кўпгина ғарб мамлакатларида ислом динини “бегона”, қон тўкилишига сабаб бўлувчи, ғайримусулмонлар орасида жирканч муносабатлар келиб чиқарувчи дин деб қабул қиладилар [5]. Уларнинг бундай хулосага келишларига сабаб нима бўлмоқда?

Шуни қайд этиш жоизки, исломофобия “ёлғиз турган” муаммо эмас, чунки у бошқа муаммолар билан чамбарчас боғлиқдир. Терроризм ва экстремизм бир вақтнинг ўзида исломофобияни кучайтирди бу эса, ўз навабатида, тезкорлик билан ўсаётган исломофобия экстремизм ва терроризмни озиқлантира бошлади. Қанчалик терроризм кўп бўлса бунга жавобан исломофобия кучаяверади, ва, аксинча, исломофобия камая бошласа шунчалик камроқ терроризм содир этилади. Шу туфайли, исломофобияни унга “боғлиқ муаммолар” билан паралел равишда ҳал этмоқ жоиздир.

Шу ўринда исломофобия муаммолари оммавий тус олиб келаётган бир пайтда, Ўзбекистон терроризмга қарши кураш исломофобияга айланишига ва бу ҳолат очик ёки пинҳоний ҳолатларда ислом дунёси билан қарама-қаршиликка олиб келишига қатъиян қарши чиқмоқда.

2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси дастури мамлакат умум манфаатларига жавоб беради ва етакчи халқаро ташкилотлар дастурларига мувофиқ бўлиб, ҳақли равишда, радикал тузилмаларга қарши туриш ва ёшларни радикализмдан химоя қилиш, кўп қисмли, узоқ муддатли универсал стратегия сифатида кўришимиз мумкин.

Бу эса, ўз навабатида, Европа ва бошқа мамлакатларда кузатилаётган ёш иммигрантларнинг ислом шиори остида радикал оқимларига кириб қолишни, уни оқибатида келиб чиқаётган исломофобияни камайтиришга, радикализмга қарши курашни профилактика дастури сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон бўлажак БМТ Бош ассамблеясида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги махсус конвенцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди, унда асосий урғулардан бири глобал даражада ёшларнинг соғлом ижобий шароитда камолотга етказиш учун шароитлар яратишга қаратилган. БМТнинг барча аъзолари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур ташаббусга ҳамоҳанг равишда, БМТ БАнинг махсус резолюцияси “Диний маърифат ва бағрикенглик”ни қабул қилиш ташаббуси

Шу ўринда исломофобия муаммолари оммавий тус олиб келаётган бир пайтда, Ўзбекистон терроризмга қарши кураш исломофобияга айланишига ва бу ҳолат очик ёки пинҳоний ҳолатларда ислом дунёси билан қарама-қаршиликка олиб келишига қатъиян қарши чиқмоқда.

Ўзбекистон нафақат ўз халқининг тинчлиги учун, балки она сайёрамиздаги миллион-миллион одамларнинг ҳаётини сақлаш учун ҳушёрликка чақирганини дунёнинг етакчи сиёсатчилари, давлат арбоблари тан олмоқда ва давлатимизнинг ана шундай мураккаб вазиятда, ҳар қандай иккиланишдан холи бўлган сиёсатига ҳурмат ва эҳтиромини билдирмоқда.

билдирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу ташаббуслари ёшларни радикализм ва исломофобия кўринишидаги, нотўғри фикрларига реал қарши туришдаги муҳим қадамдир.

Қайд этиб ўтганимиздек, сўнги йилларда турли мамлакатларда исломга нисбатан бўлаётган тазйиқлар, исломофобия тусини олган ҳолатларни кўпайиши бизни ҳам ташвишга солиши турган гап. Шунингдек, бу ҳолат бизнинг тинчлик ва барқарорлик йўлида эришган кўп йиллик ютуқ ва хатти-ҳаракатларимизга раҳна солиши мумкин.

Ўзбекистон нафақат ўз халқининг тинчлиги учун, балки она сайёра-миздаги миллион-миллион одамларнинг ҳаётини сақлаш учун ҳушёрликка чақирганини дунёнинг етакчи сиёсатчилари, давлат арбоблари тан олмоқда ва давлатимизнинг ана шундай мураккаб вазиятда, ҳар қандай иккиланишдан холи бўлган сиёсатига ҳурмат ва эҳтиромини билдирмоқда.

Адабиётлар

1. <http://www.relga.ru/Environ/WebObjects/tgu-www.woa/wa/Main?textid=184&level1=main&level2=articles>
2. <https://inosmi.ru/social/20170202/238650227.html>
3. <https://inosmi.ru/world/20150202/225971498.html>
4. <https://ru.usembassy.gov/ru/eo-protecting-nation-from-foreign-terrorist-entry-united-states-ru/>
5. Eleventh OIC Observatory, report on ISLAMOPHOBIA, page 9